



PROSECUTOR'S SUPERVISION. ORGANIZATION OF PROSECUTOR'S CONTROL OVER COMPLIANCE WITH LAWS IN THE PROCESS OF SEIZURE, SALE OR DESTRUCTION OF PROPERTY TRANSFERRED TO STATE INCOME

Arziev Akhrorbek Anvarovich

Senior Counsel of Justice

Head of the Tashkent City Department of the Compulsory Office under the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11263221>

ARTICLE INFO

Received: 15th May 2024

Accepted: 22th May 2024

Online: 23th May 2024

KEYWORDS

Prosecutor's control, protest, decision, submission, warning, certification, consumer, evaluation organization.

ABSTRACT

This article explains what the prosecutor's control is, its types and legal bases, as well as the prosecutor's control over the confiscation, sale or destruction of these assets is revealed based on the legal norms and in the order. The prospects and possibilities of increasing the efficiency of this sector were analyzed.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН МОЛ-МУЛКНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ, СОТИШ ЁКИ ЙЎҚ ҚИЛИБ ТАШЛАШ ЖАРАЁНИДА ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Арзиев Ахрорбек Анварович

Адлия қатта маслаҳатчиси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий юронинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11263221>

ARTICLE INFO

Received: 15th May 2024

Accepted: 22th May 2024

Online: 23th May 2024

KEYWORDS

Прокурор назорати, протест, қарор, тақдимнома, огоҳлантирув, сертификатлаш, истеъмолчи, баҳолаш ташкилоти.

ABSTRACT

Мазкур мақолада прокурор назорати ўзи нима эканлиги, унинг қандай турлари ҳамда ҳуқуқий асослари мавжудлиги, шунингдек мазкур мол-мулкларни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш устидан прокурор назоратининг қандай ҳуқуқий нормативлар асосида ва тартибда амалга оширилиши очиб берилиб, ушбу соҳанинг самарадорлигини ошириш истиқболларини ва имкониятлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу – вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш



органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларни ижро этилиши устидан назорат олиб боришдир¹. Қонунлар ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари асосида ташкиллаштирилган ва уни амалга оширишни шакллари, йўналишлари шакллари белгиланган.

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 20 июндаги Сенат мажлисида прокуратура органларини коррупциядан ҳоли, чинакам халқ прокуратурасига айлантириш борасидаги топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, энг аввало, тизимдаги вазиятни ўнглашга, жамоада ишчан ва соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар Концепциясини ишлаб чиқиб, муайян ишларни амалга оширишдан бошлади ва қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. Олинган ахборотлар асосида энг муаммоли соҳаларни аниқлаб, қонун бузилиш ҳолатлари ва тизимли камчиликларнинг асл сабабларини бартараф этиш чоралари кўришга, ижтимоий соҳада прокурор назоратини таъминлаш баробарида фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатишга алоҳида аҳамият берилди ва мурожаатлар билан ишлаш фаолиятига ҳам янгича ёндашув асосида ташкил этиш чоралари кўрилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, ватандошларимизнинг муаммоларига амалда ечим топишдан иборатдир.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига кўра, қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади. Демак, прокурор назорати текшируви учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) Қонун бузилиши тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар;
- 2) Қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатдалиги².

Кўпгина масалаларни жойида ҳал этиш имконини берадиган фуқароларни шахсан қабул қилиш, турли қонунбузилишларга тезкор ҳаракат кўрсатишлар амалга оширилмоқда. 2019 йил давомида прокуратура органларига келиб тушган 495 минг мурожаатнинг 313 мингдан ортиғи бевосита прокуратура органларида ҳал қилинган. Қарийб 324 минг нафар фуқаролар қабул қилиниб, мурожаатлар ҳал этилган. Прокурорлар томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 35 мингга яқин фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди. Бунда кўчма-сайёр қабулларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худди шундай йўл билан 104 минг жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган³.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон;

² Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси органлари томонидан 2019 йил 12 ойида мурожаатларни кўриб чиқишга доир умумий кўрсаткичлар таҳлили.



Хужжат айланмасини тезлаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида қисқа муддатда бутун идорани тўлиқ электрон иш юритиш тизимига ўтказиб, ортиқча қоғозбозлик ҳам тўхтатилди, бу эса ўз навбатида, ходимлар маҳнاتини енгиллаштиришга олиб келди. Бунинг натижасида икки ойда фақатгина қоғоздан 500 млн. сўмлик маблағ тежалишига эришилди⁴.

Шунингдек, **2023 йилда** прокуратура органларига 463 626 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 264 504 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. Мазкур мурожаатларнинг 60 534 таси қаноатлантирилган, 4 212 таси рад қилинган, 199 758 та мурожаатларга ҳуқуқий тушунтириш берилган, 164 087 та мурожаатлар тааллуқлилиги бўйича бошқа муассасаларга юборилган. Мурожаатларнинг муддатида, тўлиқ ва холисона кўриб чиқилишини ҳамда қонунбузилишига йўл қўйган айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлашга қаратилган назорат тадбирларини тизимли равишда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мурожаатларни кўриб чиқиш мобайнида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича ноқонуний ҳужжатларга **674 та протест келтирилди**, қонунбузилишларини бартараф этиш ҳақида 210 та тақдимнома, 26,4 млрд. сўм зарарни ундириш ҳақида судларга *508 та ариза* киритилди, 712 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича *385 та жиноят иши қўзғатилди*. Кўрилган чоралар натижасида 52 408 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари прокурорлар томонидан тикланган⁵.

Илмий адабиётларда прокурор назоратининг функционал аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти тизимида прокуратура органларининг ўрни ва роли масалаларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. МДХ давлатлари ичида ҳам Европа давлатларида ҳам ҳозиргача прокуратура органидан воз кечилмаган, ва прокурор назорати орқали давлатда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ушбу давлатларнинг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Прокурор назоратини бирорта давлат идорасининг функцияси билан таққослаб ёки тенглаштириб бўлмайди. Биламизки, прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари бор. Булар:

- 1) мавжуд булган барча конунларни фукаролар ва ташкилотлар томонидан уларнинг фаолият доирасидан катъий назар аниқ ва тўғри қўлланилиши таъминлаш;
- 2) прокурор назорати прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари асосида амалга оширилиши;
- 3) прокурор назорати олий конун чиқарувчи ва ижро органларига, Ўзбекистон Республикаси олий мансабдор шахсларига, умумий юрисдикция судларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига нисбатан татбик этилмаслигидир. Ҳозирда прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси, Вазирлар

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни”ни ношонлашга бағишланган тантанали мажлисдаги маърузаси.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси органлари томонидан 2023 йилда кўрилган мурожаатлар. Манба: <https://aniq.uz/> (<https://aniq.uz/yangiliklar/2023-yilda-prokuratura-organlariga-463-626-ta-murojaat-kelib-tushgan>)



Маҳкамасининг қонунларни қандай ижро этаётганлиги устидан назорат эмас, балки улар томонидан қабул қилинган қонун, Фармон, Фармойиш ва қарорларни ижросини таъминлаш вазифасини амалга оширмақдалар.

Прокурор назоратининг **назарий-ҳуқуқий жиҳатлари** ҳақида гапирганда, прокурорнинг назорат функцияси давлат мавжуд бўлишининг зарур шартларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, ҳуқуқ-тартиботни, жумладан, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш давлатнинг устувор сиёсий-ҳуқуқий вазифаларидан ҳисобланади. Прокурор назоратининг тушунчаси мазмуни ҳақида қўплаб олимлар томонидан турли ўхшаш ва фарқли мулоҳазалар билдирилган.

Жумладан, **М.Рустамбаев** “Прокурор назорати – давлат номидан махсус ваколатга эга мансабдор шахс – прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир⁶, деб кўрсатган.

Б.Пўлатов “Прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланади. Прокурор давлат номидан назоратни амалга оширади. Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизми бўлиб қолмоқда”⁷, деб баён қилган.

Яна бир ҳуқуқшунос олим **З.Ибрагимов** эса, “Прокурорга қонунда, бир томондан, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ваколатлари берилган бўлса, иккинчи томондан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ёки уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш мажбурияти ҳам юклатилган”⁸, деб таъкидлаган.

Ф.Рахимовнинг фикрига кўра, “Ўзбекистонда прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси номидан давлат фаолиятини амалга оширувчи прокуратура органларининг ўзига хос фаолият туридир. Прокурор назорати давлат фаолиятининг мустақил, алоҳида мақомга эга ўзига хос кўринишидир”⁹.

Бу ерда, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат функциясининг пировард мақсади қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланади.

Бу борада, рус ҳуқуқшуноси В.Рохлинга кўра¹⁰, прокурор назоратининг моҳияти унинг қуйидаги хусусиятларида намоён бўлади:

⁶ Қаранг: Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура: рисола / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – Б. 8-12.

⁷ Қаранг: Пўлатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми // “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси”, 2017, №4 (32). – Б. 27-28

⁸ Қаранг: Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиқлол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили). Монография. – Т.: “Noshir”, 2011. – Б. 131.

⁹ Қаранг: Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. – Т.: “Ношир” нашриёти, 2008. – Б. 87-94.

¹⁰ Прокурорский надзор в Российской Федерации. // Отв. ред. проф. Рохлин В.И. -М.: “Сентябрь”2000.-Стр. 18, 29-32.



- 1) прокурор назорати давлат номидан, давлат хизматчиларининг алоҳида тоифаси – прокурорлар томонидан амалга оширилади;
- 2) прокурор назорати қонунда белгиланган катта (кенг) кўламдаги таъсир чоралари воситалари орқали амалга оширилади;
- 3) прокурор назорати давлатнинг алоҳида функцияси – муҳофаза ва назорат функциясини таъминлашга хизмат қилади;
- 4) прокурор назорати давлат фаолиятининг бошқа шаклларида ўзининг қонунбузилишга нисбатан муносабат билдириш шаклларида кўра фарқ қилади¹¹.

Бундан ташқари, қуйидаги жиҳатлар прокурор назоратининг мазмунини янада очиқ беради: прокурор назорати давлат ва жамиятнинг энг муҳим масалалари – қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади; ҳуқуқий табиатига кўра барча қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларнинг фаолият доирасидан қатъий назар аниқ вақтда тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилади; прокурор назорати Конституция билан белгиланган махсус мақомга эга бўлган энг таъсирчан ва самарали давлат назорати шакли ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, прокурор назорати қонун устуворлигини, қонунийликнинг бирлиги ва мустаҳкамланиши, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг, шунингдек, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашни кафолатлаш мақсадида амалга оширилади.

Эндиги навбатда, давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиблари устидан назоратни амалга ошириш борасидаги прокурорнинг ваколатларига тўхталиб ўтаемиз. Жумладан, мол-мулкни олиб қўйиш, давлат мулкига ўтказиш ёки уларни йўқ қилиб ташлаш, баҳолаш (қайта баҳолаш) ҳамда сотиш ваколати берилган, олинган пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилишини таъминловчи давлат бошқаруви, назорат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар** амалга ошириши қарорда ҳам ўз аксини топган.

Ушбу соҳадаги прокурор назоратини амалга оширилишини белгиловчи ҳуқуқий нормаларга бирма бир тўхталиб ўтадиган бўлсак, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги 257-II-сон «**Прокуратура тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонунда прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқариши белгиланган. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради. Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши

¹¹ Прокурорский надзор в Российской Федерации. // Отв. ред. проф. Рохлин В.И. -М.: “Сентябрь” 2000.-Стр. 18, 29-32.



шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади¹².

Шунингдек, Қонуннинг 29-моддасида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган: “Прокуратура органлари жиноят-процессуал қонунга биноан ўз ваколатларига берилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан тергов ўтказадилар. Прокурор жиноят-процессуал қонунга мувофиқ ҳар қандай жиноятни тергов қилишни ўз иш юритувига олишга ёки ўзига бўйсунувчи прокурорга топширишга, шунингдек биргаликда тергов ўтказиш учун прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари ҳамда бошқа органларнинг терговчилари ва тезкор ходимларидан иборат тергов гуруҳини тузишга ҳақлидир”.

Яъни бу нормалардан маълумки, агар прокуратура юқорида айтиб ўтган давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларда тегишли мансабдор ва бошқа шахсларга нисбатан, биринчи навбатда, жавобгарлик масаласини ҳал қилиши мумкин.

Бундан ташқари, **Жиноят-процессуал кодексининг 296-297-моддаларига** асосан прокурор жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шартлиги, жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритиши мумкин¹³.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли **“Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги қарорининг 11-бандига** кўра: олиб қўйиш санасида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараварига тенг ва ундан ортиқ қийматдаги мол-мулкни олиб қўйган орган мол-мулк олинган ҳудуддаги тегиши туман (шаҳар) прокурорига дарҳол махсус билдиришнома юбориши шарт. Базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараварига тенг ва ундан ортиқ қийматдаги мол-мулкни олиб қўйиш ва уни давлат даромадига ўтказишнинг ягона ҳисобини прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланган тартибда юритадилар¹⁴.

Рўйхатга олиш давомида мол-мулкни ўзлаштириш, унинг камомади, уни яшириш, йўқ қилиш, унга шикаст етказиш ҳолатлари, мол-мулк номи, миқдори, сифати, қиймат кўрсаткичларида, шунингдек олиб қўйиш тўғрисидаги далолатномада, экспертнинг хулосасида, баҳолаш тўғрисидаги хулосада ва мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги далолатномада ва сақлаш учун қабул қилиш-топшириш далолатномасида кўрсатилган

¹² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.08.2001 йилдаги 257-II-сон «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

¹³ O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual kodeksi// <https://www.lex.uz/acts/111460>.

¹⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 15-июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.07.2009 й;



фарқлар аниқланган тақдирда давлат ижрочиси бу ҳақда гувоҳлар иштирокида уч нусхада далолатнома тузади ва кейинги кундан кечикмай, далолатноманинг бир нусхаси илова қилинган ижро ҳужжати нусхасини аниқланган камчиликларни кўрсатган ҳолда судга ёки уни берган ваколатли органга юборади. Бир вақтнинг ўзида, давлат ижрочиси давлат ижрочиси жойлашган жойдаги тегишли туман (шаҳар) прокурорига айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш учун далолатноманинг иккинчи нусхаси илова қилинган махсус билдиришномани юборади.

“Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб кўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномада прокуро 6 ойда камида бир марта ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг сақланиш ҳолати ва шароитлари, мазкур йўриқномага мувофиқ уларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва ўтказиш бўйича ҳужжатлар юритилиши тўғрилигини текшириши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Текшириш натижалари ҳақида ашёвий далиллар ва бошқа нарсалар учун махсус сақлаш жойларини жиҳозлаш, уларни сақлаш учун лозим даражадаги шароитларни таъминлаш чораларини кўришга мажбур бўлган юқори турувчи раҳбариятга юбориладиган далолатнома тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 19.06.2018 йилда рўйхатдан ўтган 3024-сонли **“Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорида** ҳам Бюро ва унинг ҳудудий тузилмалари савдо ва ихтисослашган ташкилотлар, шунингдек бозорлар томонидан ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотишни ташкил этилиши ва ўтказилиши устидан доимий назоратни амалга ошириши белгиланган. Бюронинг ҳудудий бўлинмалари эса мунтазам прокуратурага ҳисобот тақдим этиб туриши лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги маълумотлар ҳамда статистик кўрсаткичлар ушбу йўналишнинг қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди. Бу эса, ижро этиш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини халқаро даражада мустаҳкамлаш, судларининг қарорлари ижросини ташкил этиш самарадорлигини ошириш, жаҳон ҳамжамиятида суд ҳужжатларини ижро этиш соҳасида шаклланган тажриба ва амалиёт таҳлили асосида ўрганишни талаб этмоқда.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023. Олий Мажлис Ахборотномаси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-сон;
2. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual kodeksi// <https://www.lex.uz/acts/111460>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни.



4. 12.03.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 4236-сонли Қарори;
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 15-июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.07.2009 й.
6. O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2003 yil 19 dekabrda №17 sonli “Gumon qilinuvchi va ayblanuvchini himoya huquqi bilan ta’minlashga oid qonunlarni qo‘llash bo‘yicha sud amaliyoti to‘g‘risida”gi Qarori.
7. Ҳамидов А.О. Мажбурий ижро бюросида фойдаланиладиган процессуал ҳужжатлар намуналари. Услубий қўлланма // – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси, 2020. – МЧЖ “IMPRESS MEDIA. 314 б.
8. Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма. Ғ. Хидоятлов [ва бошқ.]; ЎзР Адлия вазирлиги, Япония Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (JICA). –Т.: «Sharq», 2011. – 400 бет.
9. 11.09.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситаларини давлат даромадига ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 707-сонли Қарори
10. <http://www.consultant.ru>
11. <https://ec.europa.eu>
12. <https://www.refworld.org>